

## МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТИ ТАРБИЯЧИ КОМПЕТЕНТЛИГИ: РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Қодирова Фотима Рашидовна

Мактабгача таълим ташкилотлари директор ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти профессори, педагогика фанлари доктори

**Аннотация.** Мазкур мақолада мактабгача таълим ташкилотларида тарбиячиларнинг касбий компетентлиги, унинг болаларнинг ҳар томонлама ривожланишидаги аҳамияти ҳамда ривожланиш истиқболлари муҳокама қилинган. Тарбиячиларнинг педагогик билимлари, психологик ёндашувлари ва замонавий технологиялардан самарали фойдаланишлари болаларнинг ижтимоий, ақлий ва ахлоқий ривожланишида ҳал қилувчи аҳамиятга эга экани таъкидланади. Тарбиячиларнинг касбий ривожланиши болалар таълимининг самарадорлигига бевосита таъсир кўрсатиб, таълим тизимидағи муҳим омиллардан бири сифатида кўриб чиқилади. Мақолада тарбиячиларнинг компетентлигини ошириш учун зарур бўлган амалий таклифлар ҳам келтирилган.

**Калит сўзлар:** Тарбиячи компетентлиги, мактабгача таълим, педагогик билимлар, психологик ёндашув, замонавий технологиялар, касбий ривожланиш

**Аннотация.** В данной статье обсуждается профессиональная компетентность воспитателей в дошкольных образовательных учреждениях, её значение для всестороннего развития детей и перспективы повышения этой компетентности. Подчеркивается, что педагогические знания воспитателей, их психологический подход и эффективное использование современных технологий играют решающую роль в социальном, интеллектуальном и нравственном развитии детей. Профессиональное развитие воспитателей оказывает прямое влияние на эффективность обучения детей и рассматривается как важный фактор в образовательной системе. В статье также приведены практические рекомендации по повышению компетентности воспитателей.

**Ключевые слова:** Компетентность воспитателей, дошкольное образование, педагогические знания, психологический подход, современные технологии, профессиональное развитие

**Abstract.** This article discusses the professional competence of educators in preschool education institutions, its importance for the holistic development of

children, and future development prospects. It emphasizes that educators' pedagogical knowledge, psychological approach, and effective use of modern technologies play a crucial role in children's social, intellectual, and moral development. The professional development of educators directly impacts the effectiveness of early childhood education and is seen as a key factor in the education system. The article also provides practical suggestions for enhancing educator competence.

**Keywords:** Educator competence, preschool education, pedagogical knowledge, psychological approach, modern technologies, professional development

Мактабгача таълим болаларнинг шахсий ва ижтимоий ривожланишидаги аҳамиятини инобатга олсак, бу давр инсоннинг келажакдаги жамиятдаги фаолияти ва шахс сифатидаги шаклланиши учун асосий пойдевор ҳисобланади. Боланинг мактабгача таълимда эришган ютуқлари, у мактабга қадам қўйганда, янгича ижтимоий муҳитга мослашишини енгиллаштириб, унинг таълим жараёнидаги муваффақиятларига катта таъсир қўрсатади. Мактабгача таълим ташкилотлари (МТТ) болаларга нафақат билим бериш, балки уларнинг ҳар томонлама ривожланишини таъминлаш учун жуда муҳим масканлардир. Бу жараёнда эса тарбиячиларнинг ролини эътироф этмаслик мумкин эмас. Тарбиячилар болалар билан ишлашда биринчи йўлбошчи сифатида фаолият кўрсатишади. Уларнинг касбий компетентлиги боланинг индивидуал эҳтиёжларини тўғри англаб, ҳар бир боланинг ривожланишини самарали ташкил этишда муҳим роль ўйнайди. Тарбиячининг болаларга кўрсатган таъсири боланинг ақлий ривожланиши билан чекланмай, унинг эмоционал, ижтимоий, ва ахлоқий ривожланишига ҳам таъсир қиласди. Бунинг учун эса тарбиячи психологик билимларни, замонавий педагогик методларни ва амалиётни яхши ўзлаштирган бўлиши керак.

Мактабгача таълим болаларнинг ижтимоий ривожланишида ҳам муҳим ўрин тутади, чунки бу даврда бола ижтимоий қоидалар ва нормаларни ўргана бошлайди. Болаларнинг кичик ёшдаги ижтимоий ривожланишида асосий ўrnak бўлиб тарбиячи хизмат қиласди, чунки айнан тарбиячи боланинг биринчи учраган фаол ижтимоий шахсдир. Болаларни жамиятга мослаштириш жараёнида эса тарбиячиларнинг шахсий хусусиятлари, уларнинг болалар билан мулоқоти катта аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан, тарбиячиларнинг профессионал ривожланиши ва уларнинг компетентлиги доимий равища оширилиши зарур. Тарбиячиларнинг доимий ўқув курслари, малака ошириш дастурлари ва уларнинг касбий фаолиятини ривожлантиришга қаратилган чора-

тадбирлар болалар таълимининг сифатини ошириш учун зарурдир. Бунинг учун тарбиячилар мунтазам равишда янги педагогик усуллар ва технологиялардан хабардор бўлишлари, замонавий таълим жараёнларидағи ўзгаришларни яқиндан кузатиб боришлари лозим. Болаларнинг мактабгача таълимдаги ривожланиши тўғридан-тўғри тарбиячиларнинг профессионал компетентлиги билан боғлиқ бўлиб, бу компетентлик эса бир қатор жиҳатлардан иборатдир. Биринчидан, бу — тарбиячиларнинг методик билимларининг чуқурлиги, яъни болалар билан ўкув жараёнини қандай ташкил этиш ва уларга қайси таълим методларини қўллаш бўйича билимлари. Иккинчидан, бу — тарбиячиларнинг болаларнинг психологик ва эмоционал эҳтиёжларини тўғри англаш қобилияти. Учинчидан, тарбиячи болалар билан доимий ижтимоий мулоқотда бўлиб, уларнинг шахс сифатида шаклланишига таъсир кўрсатади. Тарбиячиларнинг компетентлигини ошириш учун мактабгача таълим ташкилотларида мунтазам равишда ўкув семинарлари ва тренинглар ташкил этилиши зарур. Бу семинар ва тренинглар тарбиячиларнинг назарий ва амалий билимларини бойитишга қаратилган бўлиб, улар замонавий педагогик технологияларни амалиётга татбиқ қилиш имконини беради. МТТлардаги ўкув жараёнида эса тарбиячиларнинг янгича усуллардан фойдаланиши болаларнинг таълим жараёнига қизиқишини ошириб, уларнинг ижтимоий кўникмаларини ривожлантиришга ёрдам беради. Жамиятдаги ижтимоий ўзгаришлар болаларнинг тарбиясига ҳам таъсир қиласи, шу сабабли тарбиячилар жамиятдаги ўзгаришларга тезда мослашишлари ва болаларни ушбу ўзгаришларга тайёрлашлари лозим. Мактабгача таълимда болаларнинг ахлоқий, интеллектуал ва ижтимоий ривожланишига эътибор қаратган ҳолда, бу ривожланиш жараёнининг юқори сифатли бўлиши учун энг муҳим омиллардан бири тарбиячиларнинг касбий ривожланиши ва компетентлиги ҳисобланади. Тарбиячи компетентлигини аниқлаш учун унинг асосий элементларини таниб олиш муҳимдир. Бу элементлар педагогик билимлардан тортиб, болалар билан тўғри мулоқот қилишгача бўлган кенг қамровли йўналишларни ўз ичига олади. Педагогик билимлар ва малака. Мактабгача таълимда тарбиячи биринчи навбатда мукаммал педагогик билимга эга бўлиши керак. Болалар психологияси, уларнинг ривожланиш хусусиятлари ва таълим методлари тўғрисидаги аниқ ва илмий билимларга эга бўлиш тарбиячига болаларнинг ҳар бирини индивидуал ёндашув билан тарбиялаш имконини беради. Педагогик малака боланинг шахсий ривожланиши ва унинг таълимга бўлган қизиқишини оширишда асосий омилдир. Психологик ёндошув ва болалар билан мулоқот ўрнатиш. Тарбиячи болаларнинг психологик

хусусиятларини тушуниши лозим. Болалар турли психотипларга эга бўлиб, уларнинг ҳар бирига алоҳида ёндашиш талаб этилади. Психологик компетентлик тарбиячига болаларнинг эҳтиёжларини тушуниб, улар билан эмоционал алоқа ўрнатишда ёрдам беради. Бу орқали болалар тарбиячини ишончли кўмакчи сифатида қабул қиласидилар. Замонавий таълим технологияларидан фойдаланиш қобилияти. Ҳозирги кунда таълим технологиялари шиддат билан ривожланмоқда. Мактабгача таълим ташкилотлари ҳам бу инноватсиялардан фойдаланишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Тарбиячилар замонавий технологиялардан фойдаланиш орқали болаларнинг таълим жараёнини қизиқарли ва самарали қилишлари мумкин. Масалан, интерактив ўйинлар, мультимедия воситалари болаларнинг ёшига мос ҳолда қўлланилганда, таълим жараёни ранг-баранг ва таъсирчан бўлади. Тарбиячиларнинг касбий маҳоратини мунтазам равишда ошириш ва уларни янги билим ва кўникмалар билан таъминлаш мактабгача таълим тизимининг сифатини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Таълим соҳасидаги инновациялар ва янги педагогик ёндашувларни ўзлаштириш учун тарбиячиларнинг мунтазам равишда ўқув курсларида иштирок этиши зарур. Бу жараён тарбиячиларнинг компетентлигини оширишга ёрдам бериб, уларнинг касбий ривожланишига ҳисса қўшади.

**1. Малака ошириш курслари:** Мактабгача таълим муассасасидаги тарбиячилар учун ташкил этилган малака ошириш курсларида тарбиячилар замонавий таълим методикалари ва болалар психологиясига оид янгиликлар билан танишишади. Улар янги технологиялар, масалан, интерактив доскалар ёки таълим платформаларидан фойдаланишни ўрганишлари мумкин. Бу билимлар ёрдамида улар ўқув жараёнини янада қизиқарли ва самарали қилиб ташкил эта оладилар.

**2. Мустақил таълим:** Тарбиячи ўзига тегишли бўлган соҳадаги илмий адабиётлар, халқаро журналларда чоп этилган тадқиқотлар ва вебинарларда иштирок этиш орқали янги билимлар олади. Масалан, ўзи ўрганган янги методлар асосида янги ўқув дастурини ишлаб чиқади ва буни амалда қўллайди. Бундай мустақил таълим болаларнинг таълим жараёнидаги иштирокини фаоллаштириши мумкин.

**3. Педагогик инновациялар:** Тарбиячилар янги педагогик технологияларни қўллаб, болаларнинг ижодий фикрлашларини ривожлантиришлари мумкин. Масалан, лойиҳа-асосли ўқитиши методлари орқали болаларни жамоавий ишлашга, муаммоларни мустақил ҳал қилишга

ўргатиш мумкин. Бундай инновация болалардаги қизиқиши кучайтиради ва уларнинг таълим жараёнида фаол иштирокини таъминлайди.

**4. Ахборот технологиялари:** Тарбиячилар виртуал ўкув муҳитларини кўллаш орқали болаларнинг таълим жараёнида фаол иштирокини таъминлайдилар. Масалан, болалар учун маҳсус интерактив дастурлар ва ўйинлар ёрдамида фанларни қизиқарли шаклда ўрганиш мумкин. Масофавий ўқитиш дастурлари ҳам болаларнинг индивидуал ривожланишини таъминлаб, уларнинг билимни ўзлаштириш жараёнини енгиллаштиради.

Бу мисоллар тарбиячиларнинг компетентлигини ошириш жараёнида ўкув курслари, мустақил таълим ва замонавий технологиялардан фойдаланиш қанчалик муҳим эканини кўрсатади. Мактабгача таълимдаги компетентлик стандартлари ҳам мунтазам равишда ривожланиб бормоқда. Янги стандартлар тарбиячиларга янгича имкониятлар яратади ва таълим сифатини янада яхшилайди. Тарбиячилар ушбу стандартларга мослашган ҳолда ўз фаолиятларини тўғри ташкил этишлари керак. Мактабгача таълимда тарбиячиларнинг компетентлиги болаларнинг келажаги учун муҳим аҳамият касб этади. Тарбиячи компетентлиги боланинг шахсий, ижтимоий ва маънавий ривожланишида ҳал қилувчи роль ўйнайди. Юқори компетентли тарбиячилар болаларга нафақат билим бериш, балки уларни тўғри йўналтириб, жамиятнинг фойдали аъзолари сифатида этишиб чиқишлирага ёрдам берадилар. Шунингдек, тарбиячиларнинг доимий малака ошириши ва ривожланиб бориши мактабгача таълим тизимидағи умумий самарадорликни оширади.

Тарбиячиларнинг профессионал компетентлигини аниқлаш ва баҳолаш, айниқса, мактабгача таълимда, болаларнинг ҳар томонлама ривожланиши ва таълим жараёнининг самарадорлигини таъминлашда асосий омилдир. Тарбиячилар компетентлигини баҳолашда бир неча муҳим элементлар мавжуд бўлиб, улар тарбиячи фаолиятининг турли жиҳатларини қамраб олади. Педагогик билимлар ва малака мактабгача таълимда тарбиячиларнинг компетентлигини белгилашда асосий элементлардан бири ҳисобланади. Педагогик билимлар болаларнинг психологик ва физиологик ривожланиши, уларнинг таълимга бўлган эҳтиёжлари ва қизиқишлирини тўғри тушуниш имконини беради. Бу билимлар тарбиячига болаларга индивидуал ёндашувни таъминлаш имконини яратади. Боланинг мактабгача даврдаги таълими ва шахсий ривожланиши унга берилган ўкув ва тарбия жараёнига бевосита боғлиқ. Тарбиячининг психологик компетентлиги ҳам жуда муҳим аҳамиятга эга, чунки болалар турли психотипларга эга бўлиб, уларнинг ҳар бирига алоҳида ёндошиш

талаб қилинади. Болаларнинг эҳтиёжларини тўғри тушуниш, улар билан психологияк алоқа ўрнатиш тарбиячининг компетентлигини белгилайдиган муҳим мезонлардан биридир. Болалар билан самарали мулоқот ўрнатиш орқали тарбиячи болаларнинг эҳтиёжларини тўғри баҳолай олади ва уларнинг ривожланишига қаратилган ёндашувларини тўғри ташкил қиласди. ЮНИСЕФ ҳисботида таъкидланганидек, "болаларнинг психологик эҳтиёжларини тушуниш ва улар билан самарали мулоқот қилиш боланинг баркамол ривожланиши учун муҳимдир" (UNICEF, 2018).

Тарбиячиларнинг замонавий таълим технологияларидан фойдаланиш қобилияти ҳам уларнинг профессионал ривожланишининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Таълим технологиялари доимий равища ўзгариб бораётган шароитда, тарбиячиларнинг технологиялардан самарали фойдаланиши болалар таълимида янги имкониятлар яратади. Масалан, мультимедия воситалари ва интерактив ўйинлар болаларнинг ёшига мос ҳолда қўлланилиб, уларнинг таълим жараёнига қизиқишини оширади. ОЭСР ҳисботида таъкидланганидек, "рақамли технологиялардан фойдаланиш таълим жараёнини бойитади ва болаларнинг иштирокини оширади" (OECD, 2016). Шу боис, замонавий технологиялардан фойдаланиш тарбиячиларнинг компетентлиги ва таълим сифатини оширишда муҳим аҳамиятга эга.

Тарбиячиларнинг касбий ривожланиши болалар таълимининг муваффакиятига бевосита боғлиқ эканлигини инобатга олган ҳолда, уларнинг мунтазам равища ўқув ва малака ошириш курсларида иштирок этиши жуда муҳим. Бу уларнинг педагогик ва психологик билимларини бойитишга ёрдам беради, шунингдек, замонавий таълим технологиялари ва методикаларидан самарали фойдаланиш қобилиятини оширади. Тарбиячи компетентлигининг асосий элементларини чуқурроқ ўрганиш, мактабгача таълим муассасаларида болаларнинг баркамол ривожланиши ва жамиятга мослашувига катта ёрдам беради. Тарбиячиларнинг билимлари, психологик ёндашуви ва замонавий технологиялардан фойдаланиш қобилияти болаларга ёрдам беришдаги самарадорликни белгилайдиган асосий омиллардир.

Мактабгача таълим болаларнинг шахсий, ақлий ва ижтимоий ривожланишида асосий пойdevor ҳисобланади. Тарбиячиларнинг профессионал компетентлиги ва уларнинг мунтазам равища ривожланиши болаларнинг ҳар томонлама ривожланиши учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Тарбиячиларнинг педагогик билимлари, психологик ёндошуви ва замонавий таълим технологияларидан самарали фойдаланиши болалар таълими сифати ва унинг самарадорлигини

оширади. Шу сабабли, мактабгача таълим муассасаларидағи тарбиячиларнинг касбий ривожланиши тизимли ва давомли равишда амалга оширилиши зарур. Тарбиячиларнинг педагогик билимлари ва касбий малакаси болалар таълимида муҳим аҳамиятга эга. Бу билим ва малака болаларнинг индивидуал әхтиёжларини түғри баҳолаш ва мос таълим бериш имкониятини яратади. Ҳар бир боланинг ўзига хос ривожланиш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тарбиячи уларга самарали ва мақсадли таълимни таъминлай олади. Шунингдек, тарбиячиларнинг психологияк компетентлиги болаларнинг әхтиёжларини тушуниб, улар билан самарали мулоқот ўрнатишда катта аҳамият қасб этади. Бу компетентлик тарбиячиларга болаларнинг индивидуал ривожланиш йўналишларини түғри баҳолаш ва уларга эмоционал ёрдам бериш имкониятини яратади, натижада болаларнинг баркамол ривожланиши таъминланади. Бундан ташқари, замонавий таълим технологияларидан фойдаланиш болалар таълим жараёнини янада қизиқарли ва интерактив қиласида. Интерактив воситалар ва мультимедия технологиялари болаларнинг ёшига мос ҳолда қўлланилганида, бу уларнинг таълимга бўлган қизиқишини оширишда жуда самаралидир. Бу усуллар болаларни таълим жараёнига фаол жалб этишга ёрдам беради. Тарбиячиларнинг доимий равишда касбий ривожланиши ва уларнинг малакасини мунтазам ошириш болалар таълими сифати ва самарадорлигини оширишнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Тарбиячиларнинг билимлари ва кўникмалари доимий равишда янгиланиб бориши, уларнинг таълим жараёнидаги самарали усулларни қўллай олиш қобилиятини оширади.

**Таклифлар:**

1. Мактабгача таълим муассасаларида тарбиячиларнинг педагогик билимларини ошириш ва замонавий таълим методикаларига асосланган курсларни мунтазам ташкил этилш.
2. Тарбиячиларнинг психологияк билимларини ошириш ва болалар билан самарали алоқа ўрнатиш кўникмаларини ривожлантириш учун маҳсус тренинглар ташкил қилиш.
3. Тарбиячиларнинг замонавий технологиялардан фойдаланиш имкониятларини ошириш мақсадида уларга интерактив ўқув жараёнидаги қўлланадиган воситалар ва платформалар бўйича мунтазам тренинглар ташкил этиш.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. UNESCO. (2015). Rethinking Education: Towards a Global Common Good? ЮНЕСКО нашри. <https://unesdoc.unesco.org/ark:/48223/pf0000232555>
2. UNICEF. (2018). Early Moments Matter for Every Child. ЮНИСЕФ нашри. Ҳавола: <https://www.unicef.org/reports/early-moments-matter>
3. OECD. (2016). Innovating Education and Educating for Innovation: The Power of Digital Technologies and Skills. ОЭСР нашри. Ҳавола: <https://www.oecd.org/education/ceri/GEIS2016-Innovating-Education.pdf>